

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМIIЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Үч.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМIIЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ОЛИМ РАИМКУЛОВИЧ

**ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ
БУЙРУҚЛАРИ ҲАМДА ҚАРОРЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ
ЭКСПЕРТИЗА ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи.**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

УДК: 342.9(043.5)(575.1)

**ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ
МУНДАРИЖАСИ**

**ОГЛАВЛЕНИЕ АВТОРЕФЕРАТА ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА
ФИЛОСОФИИ (PhD)**

**CONTENT OF THE ABSTRACT OF THE DISSERTATION OF THE
DOCTOR OF PHILOSOPHY (PhD)**

Файзиев Олим Раимкулович

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш.....5

Файзиев Олим Раимкулович

Повышение эффективности деятельности правовой экспертизы и государственной регистрации приказов и постановлений министерств, государственных комитетов и ведомств.....33

Fayziev Olim Raimkulovich

Improving the effectiveness of legal expertise and state registration of orders and decrees of ministries, state committees and departments.....63

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....68

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ХУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017. Yu.23.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗИЕВ ОЛИМ РАИМКУЛОВИЧ

**ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАРНИНГ
БУЙРУҚЛАРИ ҲАМДА ҚАРОРЛАРИНИ ХУҚУҚИЙ
ЭКСПЕРТИЗА ВА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ
ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ**

**12.00.02 – Конституциявий ҳуқуқ. Маъмурий ҳуқуқ.
Молия ва божхона ҳуқуқи.**

**ЮРИДИК ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2018 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Үу26 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертация иши Тошкент давлат юридик университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.dba.uz/uz/tad-i-otchilarga/ilmiy-kengash) ва “Ziynet” Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳусанов Азад Тиллабаевич,
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Турсунов Ахтам Саломович,
юридик фанлар доктори, доцент

Хусанова Мухтабар Акбаровна,
юридик фанлар номзоди

Етакчи ташкилот:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Үу.23.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” _____ соат ___:___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (998) 71-232-60-80; факс: (998) 71-232-60-66; e-mail: info@dba.uz).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100003, Тошкент ш., Ислом Каримов кўчаси, 45. Тел.: (998) 71-232-61-25).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ кунни тарқатилди. (2018 йил “___” _____ даги “___” рақамли реестр баённомаси).

Ф.Х. Раҳимов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш раиси ўринбосари, ю.ф.д.,
доцент

Ж.Н. Нематов

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, ю.ф.д (PhD),
доцент

И.Т. Тультеев

Фан доктори илмий даражасини берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ю.ф.д., доцент

КИРИШ (ДИССЕРТАЦИЯ АННОТАЦИЯСИ)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда аксарият хорижий мамлакатлар ҳуқуқий доктринасининг энг муҳим йўналишларидан бири адолатли ва барқарор қонунчилик тизimini яратишга қаратилган. Ривожланган хорижий мамлакатларда қонун ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш сифатини ошириш – уларнинг адолатли ва барқарор бўлишини таъминловчи самарали мезон сифатида баҳоланади. Мазкур масаланинг мураккаблиги ва серқирралиги нафақат ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш жараёнида самарали механизмларни аниқлаш ва жорий этишда, балки унинг методологик ва концептуал асосларини англашда, ҳуқуқий тартибга солиш моҳияти ва субъектларини тўғри белгилашда ҳам намоён бўлади.

Бугунги кунда дунёнинг ривожланган мамлакатларида норма ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш, жумладан қонун ҳужжатларининг ҳуқуқийлиги ва халқчиллигини таъминлаш, уларни ҳар томонлама экспертизадан ўтказиш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Илмий изланишлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларни кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш, уларнинг жамият ҳаётига таъсирини баҳолаш, лойиҳаларни турли соҳа вакиллари томонидан сифатли экспертизадан ўтказиш механизмларини яратиш, ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри қонун билан тартибга солиш орқали қонуности ҳужжатлари сонини кескин камайтириш, лойиҳаларни ишлаб чиқиш жараёнида замонавий, инновацион усуллардан фойдаланиш, “ақлли тартибга солиш” модели элементларини кенг қўллаш йўналишларида амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги, жумладан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш жараёни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили натижалари соҳада сезиларли ижобий ўзгаришлар юз бераётганлигини ақс эттирмоқда. Таҳлиллар қонуности ҳужжати бўлган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари – идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳар бир босқичда ҳуқуқий экспертиза қилиш самарадорлигини ошириш учун ўз илмий-амалий ечимини қутаётган муаммолар тўпланиб қолганлигини, уларнинг сони камайиш ўрнига ўсиб бораётганлигини кўрсатмоқда, ваҳоланки, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур¹ ва уларнинг сонини камайтириш усулларини жорий этиш масаласига илмий-ҳуқуқий ёндашув талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил

¹ Ш.М.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – Б. 106.

8 сентябрдаги ПФ–5185-сонли “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2018 йил 22 январдаги ПФ–5308-сонли “2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги, 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сонли “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сонли “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сонли “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2000 йил 19 майдаги 197-сонли “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида”ги, 2018 йил 16 июлдаги 538-сонли “Ўз кучини йўқотаётган умуммажбурий идоровий ҳужжатларнинг ўрнига янги норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатларни тайёрлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари ва мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш масаласи миллий олимларимиз томонидан деярли ўрганилмаган бўлса-да, ушбу мавзунинг айрим жиҳатлари М. Аҳмедшаева, Б. Абдуллаев, Ш. Бердияров, З. Исломов, Е. Канъзов, Г. Мирзаева, Ў. Муҳамедов, Х. Одилқориев, А. Саидов, Б. Таджиханов, Ш. Файзиев, Э. Халилов, М. Хусанова томонидан ёритилган².

Хорижий давлатлар олимларидан Ю.Г. Арзамасов, Ю.П. Боровикова, А.А. Брыжинский, С.Н. Жевакин, Р.Н. Иванов, А.А. Лукьянов, О.В. Кваша, А.Н. Миронов, О.Н. Ордина, Е.М. Савельева, Н.С. Шмакова ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган³.

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича илмий-тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари, олий таълим муассасалари, жумладан Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия),

² Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар қисмида мавжуд.

³ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.

Texas, Harvard (AQSH), Kembrij (Angliya), Ozarbayjon Respublikasi Politsiya akademiasida, Санкт-Петербург юридик институтида (Россия Федерацияси) олиб борилмоқда.

Жумладан, Kembrij университетида (Angliya) Х.Пундер томонидан “Тақдим этилган ваколат бўйича қонунчиликнинг демократик легитимлиги: Америка, Британия ва Германия қонунчилигининг қиёсий таҳлили” мавзусида⁴, Ozarbayjon Respublikasi Politsiya akademiasida “Ижро ҳокимияти марказий органларининг норма ижодкорлиги фаолиятининг ҳуқуқий асослари” мавзусида⁵ тадқиқотлар олиб борилмоқда⁶.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Демократик ислохотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари” мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017–2021 йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш самардорлигини ошириш, соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада яхшилаш бўйича асосланган тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

“вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари (идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)” тушунчасига таъриф ишлаб чиқиш, фанга жорий этиш, унинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳуқуқий мазмунини ёритиш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатида ҳуқуқий экспертизанинг таъсирини таҳлил қилиш асосида уни такомиллаштириш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бўйича қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда эътибор қаратиладиган муҳим ҳолатлар ва уларнинг коидаларини, жумладан коррупцияга қарши экспертизани таҳлил қилиш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва эълон қилишнинг самарали механизмларини жорий этишни қўриб чиқиш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштиришга доир концептуал масалаларни таҳлил қилиш;

⁴ Pünder, H. Democratic legitimation of delegated legislation: a comparative view on the American, British and German law. // www.cambridge.org

⁵ www.elibrary.az

⁶ Диссертация мавзусига оид хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи куйидаги манбалар асосида ёритилган: www.uni-muenchen.de/index.html; www.unipage.net/ru/146/university_of_texas_at_austin; www.harvard.edu; Pünder, H. Democratic legitimation of delegated legislation: a comparative view on the American, British and German law. // www.cambridge.org; www.elibrary.az; www.mocv.mvd.pf; www.procuror.spb.ru ва бошқалар.

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқаришда ҳуқуқийликни таъминлаш бўйича самарали механизмларни жорий этиш имкониятларини кўриб чиқиш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказишга доир конун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарликни такомиллаштириш масалаларини таҳлил қилиш;

хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини оширишга доир ижтимоий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предметни идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш масалаларини тартибга соладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мавжуд статистик маълумотлар, Адлия вазирлигида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш амалиётига доир ҳужжатлар, илмий-назарий адабиётлар ҳамда айрим хорижий давлатларнинг ушбу соҳадаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тарихий, тизимли, мантиқий (анализ, синтез), қиёсий-ҳуқуқий, статистик, ижтимоий сўровлар ўтказиш, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказишга оид ҳуқуқни қўллаш амалиётини таҳлилий ўрганиб чиқиш усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi куйидагилардан иборат:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатлар билан бериш амалиётига чек қўйиш асослантирилган;

Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган ва 1993 йил 17 июнгача қабул қилинган умуммажбурий идоравий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлигини конун ҳужжатлари билан ўрнатиш ҳамда “Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини” давлат рўйхатидан ўтказилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расман эълон қилинадиган манба сифатида белгилаш таклиф этилган;

юримдик хизмат маълумотномасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар акс эттириш асослантирилган;

Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат кўшимча ўрганишни талаб этган ҳолларда, уни кўриб чиқиш муддатини 20 кунгача узайтириш таклиф этилган;

Адлия вазирлигида Ҳукумат баённома қарорлари лойиҳаларини ҳам ҳуқуқий экспертиза қилиш амалиётини жорий этиш тақлиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хусусиятларига доир нуқтаи назарлар таҳлили асосида уларнинг аниқ белгилари, сифатига таъсир кўрсатувчи мезонлар ажратиб кўрсатилган;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ушбу идоравий ҳужжат билан айнан қайси масалалар тартибга солинишини (ҳужжатнинг тартибга солиш предмети ва усуллари доирасини) аниқ белгилаш тақлиф этилган;

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати асосланган;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни кескин қамайтириш ва қисқартириш усуллари бўйича муҳим тақлифлар ишлаб чиқилган;

“вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари (идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)”, “ҳуқуқий экспертиза”, “қонунчилик техникаси” атамаларига нисбатан муаллифлик таърифи ишлаб чиқилган;

идоравий норма ижодқорлиги жараёнида ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш тақлиф этилган;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ҳаволаки нормаларни амалга ошириш муддатини аниқ белгилаш, бунда “пакет принципи”га қатъий амал қилиш зарурлиги асосланган;

идоравий норма ижодқорлиги фаолиятига оид қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни янада такомиллаштириш, шунингдек хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасини миллий қонунчиликка татбиқ этиш юзасидан асосли тақлифлар илгари сурилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари халқаро ҳуқуқ ва миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ижтимоий сўров (судьялар (60), профессор-ўқитувчилар (55), адвокатлар (90), юридик хизмат ходимларининг (147) фикрини ўрганиш учун 350 дан ортиқ сўровнома-анкета тарқатилди) ўтказилди, статистик маълумотларни таҳлил қилиш натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилди ҳамда олинган хулоса, тақлиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинди, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланди ва амалиётга жорий қилинди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида олинган илмий хулосалардан тадқиқот ишларини олиб боришда, “Давлат ва ҳуқуқ назарияси”, “Конституциявий ҳуқуқ”, “Маъмурий ҳуқуқ” ва

“Қонунчилик техникаси” каби фанларни ўқитиш жараёнида ҳамда методик тавсиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қатор қоида ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилганлигида ифодаланади ҳамда унинг натижаларидан соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришда, идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар юридик хизматлари ва Адлия вазирлиги ходимлари томонидан идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш фаолияти самарадорлигини ошириш тадқиқоти бўйича олинган илмий натижалар асосида:

идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатлар билан бериш амалиётига чек қўйиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 4-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 1-6/4-1494/8-сон хати). Ушбу таклиф натижасида идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сони ортишининг олди олинди ва уларнинг муайян миқдорда қисқаришига эришилди;

Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтмаган ва 1993 йил 17 июнгача қабул қилинган умуммажбурий идоровий ҳужжатларни ўз кучини йўқотган деб топиш зарурлигини қонун ҳужжатлари билан ўрнатиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 5-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 1-6/4-1494/8-сон хати). Ушбу таклиф собиқ СССРнинг идоровий ҳужжатларидан воз кечишга ҳамда фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга замин яратди;

“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси”ни давлат рўйхатидан ўтказилган идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар расман эълон қилинадиган манба сифатида белгилаш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-411-сон “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасида ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 14 февралдаги 79-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 23 сентябрдаги

“Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-411-сонли Қонуни”ги қарори иловасининг 1 ва 2-бандларида ўз аксини топган (Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг 2017 йил 18 августдаги 06/1-05/2070вх-сон ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза ва халқаро шартномалар бошқармасининг 2017 йил 8 июндаги 12-5-20-сонли хатлари ва далолатномаси). Ушбу таклиф аҳолининг қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тез ва ишончли хабардор бўлишига хизмат қилди;

юридик хизмат маълумотномасида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилганлиги ва унинг натижалари ҳақидаги маълумотлар акс эттириш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2018 йил 5 июлдаги 356-мх-сон “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги (рўйхат рақами 2565-6, 2018 йил 5 июль) буйруғи иловасининг 1-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 1-6/4-1494/8-сон хати). Мазкур таклиф идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси учун жойлаштириш амалиётининг кенгайтишига хизмат қилди;

Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қўшимча ўрганишни талаб этган ҳолларда, уни кўриб чиқиш муддатини 20 кунгача узайтириш бўйича таклиф Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 7 декабрдаги 323-сон “Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 24 декабрдаги ЎРҚ-342-сон Қонуни)”ги қарорининг 1-илласи 1-бандида, шунингдек Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 92-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2017 йил 13 октябрдаги 1-6/37-1175/8-сон хати). Ушбу таклиф идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳар томонлама ва сифатли ҳуқуқий экспертизадан ўтказилишига тўртки бўлди;

Адлия вазирлигида Ҳуқумат баённома қарорлари лойиҳаларини ҳам ҳуқуқий экспертиза қилиш амалиётини жорий этиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ-3666-сон “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2018 йил 2 октябрдаги 1-6/4-1494/8-сон хати). Мазкур таклиф

Хукумат баённомаларида ҳукукий нормаларнинг белгиланмаслигига ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилди.

Диссертацияда билдирилган айрим фикрлар ва қоидалардан Тошкент давлат юридик университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги академияси тингловчи ва талабаларини ўқитиш жараёнида фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференция ҳамда давра суҳбатларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш, шу жумладан, 3 та рисола (ҳаммуаллифликда) ва ОАКнинг диссертация асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган нашрларда 12 та мақола (9 та республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Илмий-тадқиқот иши кириш, 7 параграфдан иборат бўлган уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва илова қисмларидан иборат бўлиб, унинг ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** (диссертация аннотацияси) қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритиб берилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг назарий-ҳуқуқий асослари”** деб номланиб, у икки параграфдан иборат. Биринчи параграф *“Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси ва ҳуқуқий мазмуни”*га бағишланган. Ушбу параграфда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси, мазкур тушунчанинг турли хил шакллари мавжудлиги, қонун ҳужжатлари ва юриспруденция илмида, одатда, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчаси қўлланилаётганлиги, унинг асослари, бу борада олимлар томонидан билдирилган фикрлар таҳлил қилинган.

Ишда муаллиф томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчасига таъриф берилган: идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат – бу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан ўз ваколатлари доирасида ҳамда ўзига юкланган функцияларни амалга ошириш, тегишли бошқарув соҳаларида ва ижтимоий ҳаёт жабҳаларида фаолиятни таъминлаш мақсадида, юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда ва уларни ижро этиш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир.

Ушбу параграфда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам очиб берилган, ижтимоий муносабатларни бундай турдаги ҳужжатлар билан тартибга солиш зарурати мавжудми ёки бундай амалиётдан воз кечиш мақсадга мувофиқми, каби мунозарали масалаларга урғу берилган.

Тадқиқот ишида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш амалиётининг зарурлиги қуйидагилар билан изоҳланган:

биринчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларда умумий тартибга солинган ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини қонунда белгиланган чегарадан чиқмаган ҳолда тартибга солиш имконини берадиган мослашувчанлик хусусияти мавжуд;

иккинчидан, юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам, одатда, бевосита вазирлик, давлат қўмитаси ёки ваколат берилган бошқа ташкилот томонидан ишлаб чиқилади ва қилишилади;

учинчидан, бундай ҳужжатларда бошқарувчи ва бошқарилувчи ўртасидаги алоқаларнинг бевоситалиги, ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларга ҳужжатни яратган вазирлик ёки идоранинг яқинлиги, унда жамият ҳаётининг тегишли соҳасидаги муаммоларни ечиш борасида муайян тажрибанинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга;

тўртинчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгач, амалга киритиш жараёнлари содалаштирилган тартибда амалга оширилади, яъни ушбу ҳужжатлар воситасида юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни тезкор бартараф этиш имкони мавжуд;

бешинчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бевосита ишлаб чиқувчиларда махсус билим ва тажрибанинг мавжудлиги, улар масалани, яъни норматив кўрсатмаларда ўзаро муносабатларнинг хусусиятини, шаклланган амалиётни, мавжуд норматив тартибга солиш базасини, ижтимоий эҳтиёжларни ва ҳоказоларни чуқур билиши ҳам фикр юритилаётган заруратни асослайди.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи “*Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифатига ҳуқуқий экспертизанинг таъсири*”, деб номланиб, унда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати ва унга таъсир этувчи мезонлар, жумладан, бу жараёнга ҳуқуқий экспертизанинг таъсири таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижасида мазкур параграфда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг сифатига таъсир кўрсатувчи мезонлар сифатида қуйидагилар кўрсатилган: 1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш

предметини тўғри танлаш; 2) идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш; 3) идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнига қўйиладиган талабларни чуқур билиш. Бунда: а) ҳуқуқий нормаларни аниқ белгилаш, жумладан мақсадни, принципларни белгиловчи, таърифини келтирувчи, тартибга солувчи, муҳофаза қилувчи, коллизия нормалар ва шу каби бошқа ҳолатларга эътибор қаратиш; б) ижтимоий муносабат иштирокчиларининг – юридик ва жисмоний шахсларнинг мақомини аниқлаш; в) ижтимоий муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари хусусияти ва ҳажмини аниқлаш; г) моддий ва процессуал нормалар билан тизимли боғлиқликни таъминлаш; д) норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бузганлик ёки уни қўллаш механизмига риоя қилмаганлик учун жавобгарлик масаласини тўғри ҳал этиш; 4) идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича коррупцияга қарши таҳлилларнинг мавжудлиги, ҳужжатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсири баҳоланганлиги; 5) идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қонунчилик техникаси қоидаларига тўлиқ риоя қилиш, жумладан, а) ҳужжат шаклининг тўғри танланганлиги; б) атама ва сўз бирикмаларининг аниқ ва ўз мазмунида қўлланилганлиги; в) ҳужжат лойиҳасининг юридик-техник жиҳатдан тўғри расмийлаштирилганлиги; г) ҳужжат матни, иловаларида ҳаволаки нормаларнинг тўғри ва асосли қўлланилганлиги, муддатларнинг аниқлиги; д) юридик тил талабларига риоя қилинганлиги, унинг барча учун осон ва тушунарли тилда баён этилганлиги; е) идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг барча қисмлари мазмунан алоқадорлиги; ж) реқвизитларнинг тўғри расмийлаштирилганлиги; б) ресурслар билан таъминланишнинг ҳисобга олинганлиги, жумладан, идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилаётган нормани амалга оширишда моддий, молиявий, кадрлар ва ахборот билан таъминлаш имкониятлари назарда тутилиши лозим.

Тадқиқотчининг қайд этишича, ҳужжатларнинг ва ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг экспертизаси мавжуд камчиликлар, хатолар, турли салбий омилларни ҳуқуқ ижодкорлиги жараёни босқичларида эрта аниқлаш ва бартараф этиш, шу тариқа турли хил нуқсонлардан холи бўлган сифатли, самарали ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш учун шароит яратиш ҳамда илгари қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги мавжуд нуқсонларни бартараф этиш учун имконият яратади.

Диссертациянинг **“Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш”** деб номланган иккинчи бобида идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказишнинг амалдаги тартиби, бу соҳада мавжуд муаммо ва ҳуқуқий бўшиқлар таҳлил қилинган.

Ушбу бобнинг *“Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш”* деб номланган биринчи параграфида ҳуқуқий экспертиза тушунчаси, идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш масаласи

амалиёт материаллари назарий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган ҳолда таҳлил қилинган.

Мазкур параграфда ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда экспертлар томонидан эътибор берилиши лозим бўлган қуйидаги жиҳатлар кўрсатилган: *биринчидан*, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга тегишли идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш ваколатининг берилганлиги, *иккинчидан*, идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг халқаро шартномалар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги, *учинчидан*, қонунчилик техникаси қоидаларига мос келиши, *тўртинчидан*, мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига ҳамоханглиги, *бешинчидан*, ҳаволаки нормалар қўлланилишининг асослиги ва мақсадга мувофиқлиги.

Қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоровий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарурлигидан келиб чиқиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш учун ишда қуйидаги тавсиялар билдирилган: 1) идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга ваколат беришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат турларини ва ваколат берилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли қисмида ушбу идоровий ҳужжат билан айнан қайси масалалар тартибга солинишини аниқ белгилаш; 2) янги идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатига эга бўлган ташкилотлар сонини амалдаги ҳужжатларни чуқур таҳлил қилиш асосида қисқартириш ва қонун ҳужжатларида уларнинг аниқ рўйхатини белгилаш; 3) идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатлар билан бериш амалиётига чек қўйиш; 4) идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни туркумлаш, унификация ва кодификация қилиш нуқтаи назардан қайта хатловдан ўтказиш ва натижасига кўра келгусидаги вазифаларни белгилаш; 5) қонун ҳужжатларида идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг амалда бўлиши мумкин бўлган вақтни белгилаш; 6) ҳуқуқий нормаларни тўғридан-тўғри қонун ҳужжатларининг ўзида белгилаш мақсадга мувофиқ.

Таҳлиллар натижасида “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилган: “Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади”.

Бундан ташқари, мазкур параграфда “идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун жойлаштирилмасдан ёки жамоатчиликнинг

асосли фикри инобатга олинмасдан Адлия вазирлигига киритилган тақдирда уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказмасдан давлат рўйхатидан ўтказиш рад этилиши” тартибини жорий этиш таклиф этилган.

Иккинчи бобнинг *“Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда эътибор қаратиладиган алоҳида қоидалар ва уларнинг аҳамияти”*, деб номланган иккинчи параграфда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда эътибор қаратиладиган алоҳида қоидалар, улардан биринчиси, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган қоидалар ва нормалар мавжудлигини аниқлаш, иккинчиси эса, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун жавобгарлик белгиловчи, асоссиз харажатлар келтириб чиқарувчи, ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этувчи қоидалар ва нормалар мавжудлигини аниқлаш каби масалалар атрофлича таҳлил қилинган.

Ишда қайд этилишича, Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2015 йил 25 декабрдаги 384-мх-сонли буйруғи билан тасдиқланган *“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услуги”* амалий аҳамиятга эга. Мазкур Услубиёт норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тартибини белгилайди. Бунда экспертларнинг роли норматив ҳуқуқий ҳужжатларни ҳолисона баҳолашдангина эмас, балки уларни таркибда коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этишга имконият яратувчи нормалар мавжудлиги нуктаи назаридан таҳлил қилишдан ҳам иборатдир.

Мазкур параграфда коррупцияга қарши экспертиза тўғрисидаги қонун ҳужжатлари таҳлили асосида коррупцион ҳуқуқбузарликлар содир этишга имконият яратадиган коррупциявий омиллар уч гуруҳга ажратиб кўрсатилган: 1) ҳуқуқни қўлловчиларга асоссиз равишда кўриб чиқишнинг кенг доирасини ёки умумий қоидалардан чиқувчи истисноларни қўллаш имкониятини белгиловчи коррупциявий омиллар; 2) жисмоний ва юридик шахсларга ноаниқ, бажарилиши қийин бўлган ва (ёки) оғирлаштирилган талабларни ўз ичига олган коррупциявий омиллар; 3) ҳуқуқни тартибга солишдаги бўшлиқлар билан боғлиқ бўлган коррупциявий омиллар.

Шунингдек, ушбу параграфда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда жисмоний ва юридик шахсларнинг тегишли соҳага оид мурожаатлари ўрганилиши ва таҳлил қилиниши, ҳуқуқий экспертиза жараёнида ушбу мезонга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлигини белгилаш лозимлиги асосланган. Таҳлиллар натижасида Ўзбекистон Республикасининг *“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”*ги Қонунини куйидаги мазмундаги 20¹-модда билан тўлдириш таклиф этилган:

“20¹-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганади. Ўрганиш натижалари, лойиҳадаги

қайси нормалар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари таҳлили асосида ишлаб чиқилганлиги ишлаб чиқувчининг юридик хизмати хулосаси ёки маълумотномасида кўрсатилади.”;

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони 3-илувасининг 18 ва 52-бандларига бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилувчи қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари лойиҳалари Администрация томонидан кўриб чиқиладиганда, улар бўйича Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш тузилмасининг хулосаси олиниши зарурлиги бўйича тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Иккинчи бобнинг *“Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг бўйруқлари ҳамда қарорларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва эълон қилиш босқичларининг роли”* деб номланган учинчи параграфида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва эълон қилишга оид асосий қоидалар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мавжуд муаммолар таҳлил қилинган. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш вазирлик ва идораларнинг норма ижодкорлиги фаолиятини назорат қилишнинг бир шакли (ташки назорат) сифатида келтирилган. Ишда қайд этилишича, бундай функция мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилади. Шунингдек, хорижий мамлакатларда бундай назорат парламент, ҳукумат, прокуратура ёхуд суд органлари томонидан амалга оширилишига доир механизмлар мавжуд. Жумладан, Россия Федерациясида ташки назорат Ўзбекистондаги каби Адлия вазирлиги томонидан амалга оширилса, АҚШда ушбу функция Конгресс ва суд органи томонидан амалга оширилади. Ўз навбатида, Конгресс бирон таркибий тузилмага ҳам бундай функцияни амалга ошириш вазифасини юклаши, тузилмага янги ваколатлар бериши мумкин. Англияда идоравий норма ижодкорлиги фаолияти устидан назорат парламент ва суд томонидан амалга оширилади.

Шу билан бирга, таъкидлаш лозимки, идоравий норма ижодкорлигини парламент назорати остида тўлиқ камраб олиш мушкул. Шунингдек, Англияда ҳам, АҚШда ҳам бу борадаги суд назорати чекланган, яъни, суднинг назорат функцияси фақат фуқаролар томонидан бирон низоли ҳолат юзасидан судга мурожаат қилингандагина юзага келади. Шу жиҳатдан фикр юритган ҳолда, мамлакатимизда жорий этилган тартиб, бизнингча, бошқа механизмларга нисбатан самаралироқ ҳисобланади.

Тадқиқотчининг фикрича, идоравий норма ижодкорлиги устидан маъмурий назорат тури ҳам алоҳида ажратилади. Бугунги кунда Англия, Канада, Австралия ва айрим ривожланган давлатларда парламент назорати орқали маъмурий назоратни кенгайтириш тенденцияси кузатишмоқда. Бундан ташқари, кўплаб хорижий давлатларда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мажбурий нашр этилиши, уларнинг ишлаб чиқиши, қабул

килиниши ва эълон қилинишини тартибга солувчи қонун нормаларини ишлаб чиқиш, уларни парламентга юбориш, суд ёки парламент қарорига биноан уларни бекор қилиш ёки тўхтатиб қўйиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, назорат қилувчи орган ва хизматларнинг асосий эътибори қонун бузилиши ҳолатларини аниқлаш, давлат органини бу ҳақда огоҳлантириш ва бундай қонун бузилиши ҳолатларининг олдини олишга қаратилмоқда.

Ишда қайд этилганидек, “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидалари”да (125-банд) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш ва уларнинг матнларини тарқатиш тартиби ҳам белгиланган.

Давлат рўйхатидан ўтказилмаган ёки эълон қилинмаган идоравий норматив ҳужжатлар қўлланишига қарши қаролат бўлиб “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 27-моддаси иккинчи қисмининг қоидаси хизмат қилади. Унга кўра, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тегишли ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин эмас ва ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди.

Ўқорида таъкидланганидек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига киритилган ўзгартиришга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манба эканлиги белгиланган.

Шунга кўра, тадқиқотчи томонидан мазкур параграфда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 125-бандини янги таҳрирда баён этиш таклиф этилган.

Шунингдек, тадқиқотчи томонидан салбий оқибатларни бартараф этиш мақсадида тегишли қонун ҳужжатларига вазирлик ва идоралар томонидан Адлия вазирлигининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш бўйича тақдимномаларини ўз вақтида ижро қилинишини таъминлайдиган, соат милларидек аниқ ишлайдиган тизим ва механизмларни жорий этиш бўйича ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурати мавжудлиги аниқланган.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини “Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик” деб номланган 198⁴-модда билан тўлдирish таклиф этилган.

Диссертациянинг **“Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказишни такомиллаштириш истиқболлари”** деб номланган учинчи боби биринчи параграфи *“Идоравий норматив-ҳуқуқий*

хужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштиришга доир концептуал ва жорий масалалар”га бағишланган бўлиб, унда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза қилиш институтини такомиллаштириш борасидаги фаолият изчил ташкил этилиши лозимлиги билдирилиб, уни такомиллаштиришнинг асосий принциплари сифатида куйидагилар белгиланиши таклиф этилган: а) фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда давлат манфаатларига роя этишнинг мувозанати; б) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш соҳасидаги ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг комплекслиги; в) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари билан мувофиқ ҳолатга келтиришга қаратилган ўзаро алоқа шакллари ва усулларини такомиллаштириш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш; г) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда давлат ҳокимияти органларининг фаолияти устидан назоратга жамоат ташкилотларини жалб қилишнинг оқилоналиги ва ошкоралиги.

Ушбу параграфда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш тизимини такомиллаштиришда концептуал масалалар ва жорий масалаларга эътибор қаратилди. Жумладан, соҳага оид қонун ҳужжатлари таҳлил қилинди, мутахассис ва олимларнинг фикр ва мулоҳазалари, ривожланган хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаси ўрганилди, мавжуд муаммо ва камчиликлар умумлаштирилиб, уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Жумладан:

биринчидан, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги асосланган. Тадқиқотчининг қайд этишича, мазкур Қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга оид масалалар комплекс тартибга солиниши, экспертиза турлари, экспертизани ўтказиши мумкин бўлган субъектлар (ҳодимлар тоифалари) доираси, экспертларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг малакасига ва тузган хулосасига қўйиладиган талаблар аниқ белгиланиши, хулосанинг юридик кучи ва ушбу хулосага шикоят билдириш ҳуқуқи каби муҳим масалалар ақс эттирилиши мақсадга мувофиқ;

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида юқори турувчи қонун ҳужжатларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ҳаволаки нормаларини амалга ошириш муддатини аниқ белгилаш, “пакет принципи”га қатъий амал қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тutilган, бироқ амалга оширилмай қолиб кетган ҳаволаки нормаларда кўрсатилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш заруратини баҳолаш, қабул қилиниши лозим деб топилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш муддатлари кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатини қабул қилиш таклиф этилган;

учинчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 16-бандини амалга оширишнинг аниқ механизмини, бу борада Адлия вазирлиги томонидан бажарилиши лозим бўлган тадбирлар ва уларнинг муддатларини аниқ белгилаш лозимлиги илгари сурилган;

тўртинчидан, идоровий норма ижодкорлиги, жумладан идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, келишиш, ҳуқуқий экспертиза қилиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш жараёнига ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини босқичма-босқич жорий этиш таклиф этилди.

Тадқиқотчи томонидан тадқиқ этилаётган соҳани такомиллаштиришда жорий масалаларга эътибор қаратилган ва қуйидагилар таклиф этилган:

идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимча киритиш амалиётини йўлга қўйиш;

қонун ҳужжатлари билан муайян мансабдор шахсга (вазирлик ва идорага) норматив-ҳуқуқий ҳужжат хусусиятларига эга бўлган ҳужжатларни қабул қилиш (тасдиқлаш) ҳуқуқи берилганда, уни қандай турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш (тасдиқлаш) орқали амалга ошириш зарурлигини мажбурий равишда кўрсатиш;

тажриба тарикасида айрим вазирлик ва идоралар томонидан идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишига мораторий эълон қилиш (бунда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги, шунингдек унификация қилишни назарда тутувчи идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бундан мустасно);

идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар келишилиши зарур бўлган орган раҳбарининг тегишли соҳа учун масъул ўринбосарига идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга келишилганлик имзосини қўйиш ҳуқуқини бериш амалиётини жорий этиш;

идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар давлат рўйхатидан ўтказилгач, 1 йилдан сўнг, уни қўллаш амалиётини ва вужудга келган муаммоларни ўрганиш, ҳужжатнинг жамият учун ижобий, салбий таъсирини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш;

идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирлик ва идоралар билан келишиш муддатини беш иш куни этиб белгилаш;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини қайта таҳлил қилиш, зарур бўлса, ушбу ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқ механизмларини белгилаш;

санитария нормалари ва қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётини жорий этиш.

Идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашда ишлаб чиқувчи орган соҳавий қонун ҳужжатларини, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиши, ҳуқуқий тартибга солишга бўлган эҳтиёж, қонун ҳужжатлари самарадорлигига салбий таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлаши, жамоатчилик фикридан кенг фойдаланиши, халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган

принциплари ва нормаларини ҳисобга олиши, бошқа давлатларнинг ижобий тажрибасини ўрганиши зарур.

Учинчи бобнинг *“Хорижий мамлакатлар тажрибаси асосида вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш”* деб номланган иккинчи параграфидида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказишга оид хорижий давлатлар, шу жумладан, Россия Федерацияси, АҚШ, Хитой Халқ Республикаси, Буюк Британия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон, Қирғизистон тажрибаси киёсий-ҳуқуқий таҳлил қилинган. Жумладан, тадқиқот ишида қайд этилишича, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга оид муносабатлар хорижий мамлакатларда қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган. Хусусан, бизга қўшни Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистонда *“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”*ги, Қозоғистонда *“Хуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”*ги қонунлар билан тартибга солинган. Ўрганилган хорижий мамлакатларда вазирликлар (РФ, ХХР, Буюк Британия, Қозоғистон, Тожикистон, Туркменистон), давлат кўмиталари (РФ, ХХР, Тожикистон), марказий давлат органлари (Қозоғистон, Туркменистон), идоравий марказий давлат органлари (Қозоғистон), Марказий сайлов комиссияси (Қозоғистон, РФ, Қирғизистон), Ҳисоб кўмитаси (РФ, Қозоғистон), Бош прокуратура (РФ), Миллий банк (Қозоғистон, Қирғизистон) ва бошқа турдаги давлат органлари (Тожикистон) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишга ҳақли.

Тадқиқотчи томонидан Ўзбекистон ва хорижий мамлакатларда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни давлат реестридан чиқаришга оид беш хил механизм амал қилиб келаётганлиги қайд этилган:

1) парламент ҳужжати асосида реестрдан чиқариш механизми: *“Лордлар палатаси тўғрисида”*ги Актга (1999 йил) кўра, Буюк Британияда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар фақат Лордлар палатасининг кўрсатмасига мувофиқ қабул қилинади ва Лордлар палатаси ўз акти билан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилишга ва давлат реестридан чиқаришга ҳақли;

2) Адлия вазирлигининг ҳужжати асосида давлат реестридан чиқариш механизми: Тожикистон Республикасининг *“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”*ги қонуни 73-моддасига кўра, вазирликлар, давлат кўмиталари ёки бошқа давлат органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида қонун ҳужжатларига зид нормалар аниқланган тақдирда, Адлия вазирлиги ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатни Тожикистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ягона давлат реестридан чиқариш тўғрисида қарор қабул қилади ҳамда ушбу маълумотни Реестрда кўрсатади ва қарорни тегишли идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бекор қилиш учун ваколатли органга юборади;

3) адлия органининг ташаббуси билан суднинг қарори асосида давлат реестридан чиқариш механизми: Қозоғистон Республикаси Ҳукуматининг 2016 йил 6 октябрдаги 568-сонли қарори билан тасдиқланган Норматив-

хукукий ҳужжатларни расмийлаштириш, келишиш, давлат рўйхатидан ўтказиш ва бекор қилиш қоидаларининг 53-бандига мувофиқ, норматив-хукукий ҳужжатда қонун ҳужжатларига зид нормалар аниқланган тақдирда, Адлия вазирлиги қонунбузилиши ҳолатини 10 кундан кам бўлмаган муддатда бартараф этиш юзасидан норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилган органи оғохлантиради. Агар норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилган орган томонидан тегишли чора кўрилмаса, адлия органи мазкур норматив-хукукий ҳужжатни давлат реестридан чиқариш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилади. Ушбу мурожаатни кўриб чиқиш натижалари бўйича суднинг қарори асосида норматив-хукукий ҳужжат давлат реестридан чиқарилади;

4) прокурор ташаббуси билан суднинг қарори асосида давлат реестридан чиқариш механизми: “Қирғизистон Республикасининг норматив-хукукий ҳужжатлари тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасига кўра, Конституция, конституциявий қонун, қонун, кодексга зид бўлган норматив-хукукий ҳужжатлар бўйича прокурор таъсир ҳужжати прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан тегишли норматив-хукукий ҳужжатни қабул қилган органга киритилади. Прокурор таъсир ҳужжати норматив-хукукий ҳужжатни тўхтатиш, уни ёки унинг бир қисмини ўз кучини йўқотган деб топиш ёки бекор қилиш юзасидан киритилади;

5) Адлия вазирлигининг буйруғи ёки суднинг қарори асосида давлат реестридан чиқариш механизми (Ўзбекистон тажрибаси):

Тадқиқотчининг эътирофича, қонун ҳужжатларига зид бўлган норматив-хукукий ҳужжатни давлат реестридан чиқаришни фақат суд органларининг қарори асосида амалга ошириш механизмини жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Диссертацияда аниқланган ҳолатларни таҳлил қилиш асосида бу каби қонунийлигига “путур етган” ҳужжатлар, аксарият ҳолатларда, қуйидаги омиллар туфайли пайдо бўлаётганлиги қайд этилган:

биринчидан, идоравий норматив-хукукий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этмасдан ижрога қаратиш ҳолатлари бор. Бундай ҳолат ҳужжатни ишлаб чиқиш назарда тутилган ҳужжатларга расмиятчилик билан ёндашиш натижаси бўлиб, нафақат ноқонуний ҳужжатларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади, қолаверса, норматив-хукукий ҳужжатларни қабул қилишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини кўпол равишда бузиш ҳисобланади;

иккинчидан, муайян вазирлик ёки идора томонидан қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлмаган топшириқларни хат, модемнома, кўрсатма, эслатма каби шаклларда ўзининг ҳудудий бўлинмаларига, тасарруфидаги ташкилотларга ижро учун юбориш амалиёти мавжуд;

учинчидан, қонун ҳужжатлари нормалари юзасидан тушунтиришлар, шарҳлар ёки уларнинг қўллаш бўйича кўрсатмалар қабул қилиниши оқибатида нормаларни нотўғри талқин қилиш, уларда назарда тутилмаган янги қоидаларни қўшиб юбориш ҳолатлари учрамоқда;

тўртинчидан, айрим ижтимоий муносабатлар қонун ҳужжатларида алоҳида тартибга солинмаган ҳолларда уларни умуммажбурий тусдаги

ҳужжатни ишлаб чиқиш ҳамда амалга киритиш орқали тартибга солишга уриниш ҳолатлари мавжуд. Аслида эса, бундай ҳолатда мавжуд муаммони ҳал қилиш учун Вазирлар Маҳкамасига ёки бошқа юқори турувчи органга асослантирилган тарзда муурожаат қилиш, зарур ҳолларда, қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш зарур.

Бундан ташқари, баъзан ички директив ҳужжатларда (таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ҳайъат йиғилишлари, мажлислар баёнларида, ўзаро ҳамкорлик бўйича қабул қилинган қўшма қарорларда, муурожаатларга берилган жавоб хатларида) ҳам умуммажбурий тусдаги нормаларнинг мавжуд бўлиш ҳолатлари аниқланган.

Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан, шунингдек ўз кучини йўқотган, белгиланган тартибда бекор қилинган, тўхтатилган, расмий эълон қилинмаган ёки қонуний кучга кирмаган ҳужжатларни амалга киритиш, қўллаш ҳолатларига йўл қўймаслик мамлакатда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қафолатларини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 198³-моддасида белгиланган нормаларни илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштириш лозимлиги билдирилиб, аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорларини ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борилган тадқиқот иши натижасида куйидаги хулоса, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

Ҳуқуқ назарияси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили бўйича хулосалар ҳамда уларни ривожлантириш юзасидан тавсиялар:

1. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари юриспруденция илмида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, деб ҳам юритилаётганлигини инобатга олиб, тадқиқот ишида мазкур масала юзасидан куйидаги тушунчаларга таъриф ишлаб чиқилди:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг буйруқлари ҳамда қарорлари – бу вазирлик, давлат қўмитаси ёки идора томонидан ўз ваколатлари доирасида ҳамда ўзига юкланган функцияларни амалга ошириш, тегишли бошқарув ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа турли соҳаларида фаолиятни ҳуқуқий таъминлаш мақсадида, юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда ва уларни ижро этиш учун қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатдир. Мазкур ҳужжатларга нисбатан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат атамаси ҳам қўлланилади;

ҳуқуқий экспертиза – идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг халқаро шартномалар, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, унга нисбатан юқори юридик кучга эга бўлган бошқа қонун ҳужжатларига,

мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, шунингдек ҳаволаки нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлигини текширишни амалга оширадиган фаолият;

қонунчилик техникаси – қонунчилик техникаси деганда, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш учун фойдаланиладиган қоидалар, методлар, воситалар ва усуллар мажмуу тушунилади.

2. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг хусусиятларига доир нуқтаи назарлар таҳлили асосида уларнинг куйидаги ўзига хос белгиларини фарқлаш мумкин: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг турларидан бири ҳисобланади; 2) махсус ваколатларга эга бўлган, одатда, ижро этувчи ҳокимият юқори органлари томонидан қабул қилинади; 3) қонуности ҳужжат бўлиб, юқори турувчи қонун ҳужжатларига асосланган ҳолда ва уни ижро этиш учун қабул қилинади; 4) иккиламчи хусусият касб этади, чунки улар юқори турувчи органларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини амалга ошириш ва уларнинг ижро этилишини ташкил қилишга қаратилади, янада юқори даражадаги ҳужжатларнинг ҳуқуқий тартибга солиш функциясини ривожлантиради; 5) соҳавий ва соҳалараро ваколатларга эга бўлган вазирлик ва идоралар томонидан қабул қилинади; 6) вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг ваколатларини амалга ошириш шакли ҳисобланади; 7) ижро этиш учун мажбурий ҳисобланади; 8) ҳуқуқий таъсири идора доирасидаги муносабатларни ва аниқ белгиланган бошқарув соҳасини тегишли органларнинг ваколатлари доирасида тартибга солишга қаратилган; 9) “предметли-ихтисослаштирилган хусусият” касб этади ва қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни аниқ амалга оширишни таъминлаш мақсадида “тезкор бошқарув ва услубийлик” хусусиятлари билан тавсифланади; 10) шакл ва мазмун жиҳатидан турли хил бўлиб, бу уларни қабул қиладиган органларнинг ваколатларидаги фарқлар ва улар ҳал этадиган вазифаларнинг хусусияти билан белгиланади; 11) ишлаб чиқиш, қабул қилиш, эълон қилиш, амалга киритишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартиб-таомилларига риоя этган ҳолда қабул қилиниши керак; 12) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши ва расман эълон қилиниши лозим.

3. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш амалиёти зарурати куйидагилар билан асосланади:

биринчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда қонунларда умумий тартибга солинган асосий муносабатларнинг ўзига хос жиҳатларини қонунда белгиланган чегарадан чиқмаган ҳолда тартибга солиш имконини берадиган мослашувчанлик хусусияти мавжуд;

иккинчидан, юқори турувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам, одатда, бевосита вазирлик, давлат қўмитаси ёки ваколат берилган бошқа ташкилот томонидан ишлаб чиқилади ва келишилади;

учинчидан, бундай ҳужжатларда бошқарувчи ва бошқарилувчи ўртасидаги алоқаларнинг бевоситалиги, ҳал этилиши лозим бўлган

муаммоларга ҳужжатни яратган вазирлик ёки идоранинг яқинлиги, унда жамият ҳаётининг тегишли соҳасидаги муаммоларни ечиш борасида муайян тажрибанинг мавжудлиги муҳим аҳамиятга эга;

тўртинчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш, ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгач, амалга киритиш жараёнлари соддалаштирилган тартибда амалга оширилади, яъни ушбу ҳужжатлар воситасида юзага келган ҳуқуқий бўшлиқни тезкор бартараф этиш имкони мавжуд;

бешинчидан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни бевосита ишлаб чиқувчиларда махсус билим ва тажрибанинг мавжудлиги, улар масалани, яъни норматив кўрсатмаларда ўзаро муносабатларнинг хусусиятини, шаклланган амалиётни, мавжуд норматив тартибга солиш базасини, ижтимоий эҳтиёжларни ва ҳоказоларни чуқур билиши ҳам фикр юритилаётган заруратни асослайди.

4. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг сифатига таъсир кўрсатувчи мезонлар сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш предмети тўғри танлаш; 2) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича белгиланган талабларга қатъий риоя қилиш; 3) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат матнига қўйиладиган талабларни чуқур билиш; 4) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат бўйича коррупцияга қарши таҳлилларнинг мавжудлиги, ҳужжатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига таъсири баҳоланганлиги; 5) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда қонунчилик техникаси қоидаларига тўлиқ риоя қилиш; 6) ресурслар билан таъминланишнинг ҳисобга олинганлиги, жумладан, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилаётган нормани амалга оширишда моддий, молиявий, кадрлар ва ахборот билан таъминлаш имкониятлари назарда тутилиши лозим.

5. Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинадиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва уларни лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси, бизнингча, қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим: экспертиза ўтказилиши ва унинг натижаларидан манфаатдор шахсларнинг хабардорлиги; профессионал, юқори малакали, улкан ҳаётий тажрибага эга бўлган, билимли ва мустақил экспертлар (мутахассислар)ни танлаб олиш; сифат кўрсаткичлари ва мезонларига риоя этиш, экспертизани ўтказишда расмийликка йўл қўймастик; экспертизани тизимли ёндашувни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш; экспертлар (мутахассислар) ҳулосасининг илмий асосланганлиги, қонунийлиги ва унда тегишли соҳа бўйича юридик ва жисмоний шахслардан келиб тушган мурожаатларда кўтарилган масала ва муаммоларнинг, хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаси натижалари акс эттирилганлиги; экспертлик ҳулосаси учун экспертлар (мутахассислар)нинг шахсий жавобгарлиги.

Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар:

1. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш

лозим. Мазкур Қонун лойиҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказишга оид масалалар комплекс тартибга солиниши, экспертиза турлари, экспертизани ўтказиши мумкин бўлган субъектлар (ҳодимлар тоифалари) доираси, уларнинг малакасига ва тузган ҳулосасига қўйиладиган талаблар аниқ белгиланиши, ҳулосанинг юридик кучи ва ушбу ҳулосага шикоят билдириш ҳуқуқи каби масалалар акс эттирилиши мақсадга мувофиқ.

2. Қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларнинг сонини қисқартириш зарурлигидан келиб чиқиб, ушбу муаммоларни бартараф этиш учун:

а) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга ваколат беришни назарда tutувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат турларини ва ваколат берилаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тегишли қисмида ушбу ҳужжат билан айнан қайси масалалар тартибга солинишини аниқ белгилаш;

б) янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатига эга бўлган ташкилотлар сонини амалдаги ҳужжатларни чуқур таҳлил қилиш асосида қисқартириш ва қонун ҳужжатларида уларнинг аниқ рўйхатини белгилаш;

в) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатини норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаган ҳужжатлар билан бериш амалиётига чек қўйиш;

г) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни турқумлаш, унификация ва кодификация қилиш нуктаи назардан қайта хатловдан ўтказиш ва натижасига кўра келгусидаги вазибаларни белгилаш;

д) қонун ҳужжатларида идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг амалда бўлиши мумкин бўлган вақтни белгилаш;

е) ҳуқуқий нормаларни тўғридан-тўғри қонун ҳужжатларининг ўзида белгилаш мақсадга мувофиқ. Ушбу мақсадларда:

1) “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

“Вазирликлар ва давлат қўмиталарининг буйруқлари ҳамда қарорлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари асосида ҳамда уларни ижро этиш учун қабул қилинади.”.

2) идоравий норма ижодқорлиги фаолиятини такомиллаштириш бўйича қабул қилинадиган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатида янги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш ваколатига эга бўлган ташкилотларнинг аниқ рўйхатини тасдиқлаш ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг амалда бўлиши мумкин бўлган вақтни белгилаш, идоравий норма ижодқорлиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация

технологиялари имкониятларини босқичма-босқич жорий этиш таклиф этилди;

3) “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 12-моддасини қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилди:

“Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар ўзларининг фаолият йўналишларига мувофиқ юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш, шунингдек бевосита мазкур вазирлик ва давлат қўмитаси томонидан ижро этиладиган умуммажбурий тусдаги масалалар юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилишга ҳақли.”.

4) норма ижодкорлиги соҳасига замонавий моделларни жорий этиш таклиф этилади. “Ақлли тартибга солиш” моделлари орқали идоравий норма ижодкорлигининг замонавий услубларини (*one in two out, sunset clauses, open ended*) ҳам жорий этиш лозим.

5) айрим соҳаларга, жумладан кредит бериш тартиб-таомилларига доир идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳатловдан ўтказган ҳолда уларни унификация қилиш масаласини кўриб чиқиш лозим.

3. Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар йўналиши идоравий норма ижодкорлиги соҳасини янада ислох қилиш заруратини кўрсатмоқда. Аввало, юридик хизмат томонидан расмийлаштириладиган маълумотнома ва ҳуқуқий экспертиза хулосасида тегишли масала жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари асосида таҳлил қилинганлиги акс эттирилиши ва қайси нормаларнинг мурожаатлар асосида белгиланганлиги кўрсатилиши зарур. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунини қуйидаги мазмундаги **20¹-модда** билан тўлдириш таклиф этилади:

“20¹-модда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганиш

Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчи лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини ўрганади. Ўрганиш натижалари, лойиҳадаги қайси нормалар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари таҳлили асосида ишлаб чиқилганлиги ишлаб чиқувчининг юридик хизмати хулосаси ёки маълумотномасида кўрсатилади.”.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 августдаги ПФ-5519-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони 3-иловасининг 18 ва 52-бандларига бевосита фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига даҳл қилувчи қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари лойиҳалари Администрация томонидан кўриб чиқилаётганда, улар бўйича Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, мурожаатлар билан ишлашни назорат қилиш ва мувофиқлаштириш тузилмасининг хулосаси олиниши зарурлиги бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим.

Шу билан бирга, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддаси тўртинчи қисмини қуйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

“Адлия органлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ҳуқуқий экспертиза қилиш давомида мазкур лойиҳаларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шароит яратадиган, шунингдек фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун жавобгарлик белгиловчи, асоссиз харажатлар келтириб чиқарувчи, ортиқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасининг тартибга солиш предмети бўйича жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари ўрганилганлиги нуктаи назаридан ҳам таҳлилини амалга оширади.”.

4. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлган ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказмасдан, шунингдек ўз кучини йўқотган, белгиланган тартибда бекор қилинган, тўхтатилган, расмий эълон қилинмаган ёки қонуний кучга кирмаган ҳужжатларни амалга киритиш, қўллаш ҳолатларига йўл қўймаслик мамлакатда қонун устуворлигини янада мустаҳкамлаш, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари кафолатларини янада кучайтиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуктаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 198³-моддасида белгиланган нормаларни хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги низомнинг 12-бандига асосан, Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотларга бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномалар киритишга ҳақли. Бу борада амалиётни ўрганиш натижаларига кўра, давлат реестрида мавжуд идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш тўғрисида 2013 йил **289 та** ҳужжатни қайта кўриб чиқиш тўғрисида **98 та**, 2014 йил **188 та** ҳужжатни қайта кўриб чиқиш тўғрисида **72 та**, 2015 йил **218 та** ҳужжатни қайта кўриб чиқиш тўғрисида **70 та**, 2016 йил **78 та** ҳужжатни қайта кўриб чиқиш тўғрисида **45 та**, 2017 йил **284 та** ҳужжатни қайта кўриб чиқиш тўғрисида **102 та** тақдимнома киритилган.

Таъкидлаш жоизки, киритилган тақдимномалар асосида қайта кўриб чиқилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг аксарияти қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган. Жумладан, 2013 йил **165 та** ёки **57,0 фоиз**, 2014 йил **141 та** ёки **75,0 фоиз**, 2015 йил **116 та** ёки **53,2 фоиз**, 2016 йил **39 та** ёки **50,0 фоиз**, 2017 йил **141 та** ёки **49,6 фоиз** ҳужжатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлаштирилиши таъминланмаган. Шу каби салбий ҳолатларни баргараф этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш тақлиф этилади:

1) куйидаги мазмундаги **198⁴-модда** билан тўлдириш:

“198⁴-модда. Адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлари томонидан адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини бажармаслик –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.”;

2) 245²-модданинг биринчи қисмини куйидаги тахрирда баён этиш:

“Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилганлиги факти ёхуд адлия органларининг бажарилиши мажбурий бўлган тақдимномаларини вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан бажармаслик факти аниқланган тақдирда адлия органларининг мансабдор шахслари маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузадилар.”.

6. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 16-бандини амалга оширишнинг аниқ механизмини, бу борада Адлия вазирлиги томонидан бажарилиши лозим бўлган тадбирлар ва уларнинг муддатларини аниқ белгилаш лозим.

7. Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунида юқори турувчи қонун ҳужжатларининг идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш бўйича ҳаволаки нормаларини амалга ошириш муддатини аниқ белгилаш, “пакет принципи”га қатъий амал қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган, бироқ амалга оширилмай қолиб кетган ҳаволаки нормаларда кўрсатилган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш заруратини баҳолаш, қабул қилиниши лозим деб топилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этиш муддатлари кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли ҳужжатини қабул қилиш таклиф этилди.

8. “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 29-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, шунингдек вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг расмий нашрлари вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинадиган расмий манба эканлиги белгиланган. Шунга қўра, Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни

тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларининг (рўйхат рақами 2565, 2014 йил 28 февраль) 125-банди таҳририни ўзгартириш таклиф этилди ва ушбу таклиф асосида Қоидаларга тегишли ўзгартириш киритилди.

9. Қуйидаги жорий масалаларни ҳал этиш таклиф этилди:

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ўзгартириш ва қўшимча киритиш амалиётини йўлга қўйиш;
қонун ҳужжатлари билан муайян мансабдор шахсга (вазирлик ва идорага) норматив-ҳуқуқий ҳужжат хусусиятларига эга бўлган ҳужжатларни қабул қилиш (тасдиқлаш) ҳуқуқи берилганда, уни қандай турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш (тасдиқлаш) орқали амалга ошириш зарурлигини мажбурий равишда кўрсатиш;

тажриба тариқасида айрим вазирлик ва идоралар томонидан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинишига мораторий эълон қилиш (бунда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисидаги, шунингдек унификация қилишни назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бундан мустасно);

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар келишилиши зарур бўлган орган раҳбарининг тегишли соҳа учун масъул ўринбосарига идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга келишилганлик имзосини қўйиш ҳуқуқини бериш амалиётини жорий этиш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни улар давлат рўйхатидан ўтказилгач, 1 йилдан сўнг, уни қўллаш амалиётини ва вужудга келган муаммоларни ўрганиш, ҳужжатнинг жамият учун ижобий, салбий таъсирини баҳолаш тизимини йўлга қўйиш;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни вазирлик ва идоралар билан келишиш муддатини беш иш куни этиб белгилаш;

шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказишнинг мақсадга мувофиқлигини қайта таҳлил қилиш, зарур бўлса, ушбу ҳужжатларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, уларни давлат рўйхатидан ўтказишнинг аниқ механизмларини белгилаш;

санитария нормалари ва қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш амалиётини жорий этиш.

10. Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказишда амалиётда юзага келаётган муаммолардан ҳамда замонавий ёндашув ва ахборот-коммуникация технологияларини жараёнга жорий этиш зарурлигидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомни янги таҳрирда қабул қилиш таклиф этилади.

Ушбу Ҳужмат қароридида қуйидагиларни белгилаш мақсадга мувофиқ:

1) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари лойиҳани ишлаб чикувчи ташкилотлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Ягона

интерактив давлат хизматлари порталига жамоатчилик муҳокамаси ўтказилиши учун жойлаштирилмасдан ёки жамоатчиликнинг асосли фикри инобатга олинмасдан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига киритилган тақдирда уларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказмасдан давлат рўйхатидан ўтказишни рад этиш;

2) Вазирлар Маҳкамасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича ваколатлари вазирлик ва идораларга берилишига йўл қўймаслик;

3) йиғилиш баёнлари, чора-тадбирлар режалари, ёзма топшириқлар, резолюциялар ва бошқа ҳужжатлар билан идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш бўйича топшириқлар (кўрсатмалар) беришни тақиқлаш;

4) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш муддатини беш иш куни этиб белгилаш;

5) норматив-ҳуқуқий кўрсатмалар мавжуд бўлган санитария норма ва қоидаларини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказилишини жорий этиш;

б) идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда ишлаб чиқувчи орган:

қонун ҳужжатларининг ҳолатини, лойиҳани тартибга солиш предмети бўйича уларнинг қўлланилиши амалиётини ўрганиши;

ижтимоий муносабатларнинг муайян соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга салбий таъсир кўрсатаётган нуқсонлар ва зиддиятларни, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга бўлган ижтимоий эҳтиёжни, қонун ҳужжатларининг самарадорлигига таъсир этувчи сабаблар ҳамда шароитларни аниқлаши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек жамоатчилик фикрини умумлаштириши ҳамда улардан фойдаланиши;

ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган принциплари ва нормаларини ҳисобга олиш, шунингдек ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш борасида бошқа давлатлар тажрибасини ўрганиши амалиётини йўлга қўйиш.

7) бошқа муҳим масалалар.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC.27.06.2017.YU.23.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ АКАДЕМИИ
ГОСУДАРСТВЕННОГО УПРАВЛЕНИЯ ПРИ ПРЕЗИДЕНТЕ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ЮРИДИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ФАЙЗИЕВ ОЛИМ РАИМКУЛОВИЧ

**ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРАВОВОЙ
ЭКСПЕРТИЗЫ И ГОСУДАРСТВЕННОЙ РЕГИСТРАЦИИ ПРИКАЗОВ
И ПОСТАНОВЛЕНИЙ МИНИСТЕРСТВ, ГОСУДАРСТВЕННЫХ
КОМИТЕТОВ И ВЕДОМСТВ**

**12.00.02 – Конституционное право. Административное право.
Финансовое и таможенное право.**

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК (PhD)**

Ташкент – 2018 год

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № 30.09.2017/В2017.2.PhD/Yu26.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном юридическом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на веб-странице Научного совета <http://www.dba.uz/uz/tadqiqotchilarga/ilmijkengash>) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNET» (www.ziyounet.uz).

Научный руководитель:	Хусанов Азад Тиллабаевич, доктор юридических наук, профессор.
Официальные оппоненты:	Турсунов Ахтам Саломович, доктор юридических наук, доцент. Хусанова Мухтабар Акбаровна, кандидат юридических наук.
Ведущая организация:	Университет мировой экономики и дипломатии.

Защита диссертации состоится «__» _____ 2018 года в ____ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.Yu.23.01 при Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, д.45. Тел.: (99871) 239-89-00, (99871) 232-60-71; e-mail: info@dba.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Академии государственного управления при Президенте Республики Узбекистан (зарегистрирован за № _____). Адрес: 100003, г. Ташкент, улица Ислама Каримова, д. 45. Тел.: (99871) 232-61-25).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2018 года.
(протокол реестра № ____ от «__» _____ 2018 года).

Ф.Х. Рахимов

Заместитель председателя Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, доцент

Ж.Н. Нематов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук (PhD), доцент

И.Т. Тультеев

Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, доктор юридических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (АННОТАЦИЯ ДОКТОРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ)

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время одно из ключевых направлений правовой доктрины большинства зарубежных стран нацелено на создание справедливой и устойчивой законодательной системы. В развитых зарубежных странах повышение качества экспертизы нормативно-правовых актов оценивается как эффективный стандарт, обеспечивающий их справедливость и устойчивость. Сложность и многогранность данного вопроса выявляется не только в определении и внедрении эффективных механизмов в процессе правового регулирования социальных отношений, но и в понимании его методологических и концептуальных основ, в правильном определении сущности и субъектов правового регулирования.

На сегодняшний день в развитых странах мира ведутся научные исследования по дальнейшему совершенствованию нормотворческой деятельности, в частности, обеспечению правомерности и народности нормативно-правовых актов, проведению разносторонней экспертизы. Научные исследования осуществляются в таких направлениях, как: проведение обсуждения проектов нормативно-правовых актов широкой общественностью, оценка их влияния на жизнь общества, создание механизмов проведения качественной экспертизы проектов представителями различных отраслей, резкое уменьшение количества подзаконных актов за счет урегулирования социальных отношений непосредственно законом, использование современных, инновационных методов при создании проектов, широкое применение элементов модели «умного урегулирования».

Следует отметить, что анализ результатов законотворческого процесса и практики применения права в Узбекистане выявил наличие ощутимых положительных изменений в данной сфере. Вместе с тем, анализы показывают, что количество ведомственных нормативно-правовых актов, принимаемых со стороны министерств, государственных комитетов и ведомств, считающихся подзаконными актами вместо уменьшения, неуклонно растёт, также ожидают своего научного решения накопленные проблемы в сфере повышения эффективности правовой экспертизы указанных актов. Между тем, необходимо резкое сокращение их количество¹ и для реализации методов сокращения их количества необходимо воспользоваться научно-правовым подходом.

Настоящее диссертационное исследование послужит для реализации основных положений, указанных в Законе «О нормативно-правовых актах», Указах Президента Республики Узбекистан «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года №УП-4947, «Об утверждении концепции административной реформы в Республике Узбекистан» от 8 сентября 2017 года №УП-5185,

¹ Мирзиёев Ш.М. Уверенно продолжим путь национального развития на новом этапе. – Ташкент: ИПТД «Узбекистан», 2018. – С. 89.

«О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «Год поддержки активного предпринимательства, инновационных идей и технологий»» от 22 января 2018 года №УП-5308, «Об утверждении Концепции совершенствования нормотворческой деятельности» от 8 августа 2018 года №УП-5505, в Постановлении Президента «Об организационных мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Министерства юстиции Республики Узбекистан» от 13 апреля 2018 года №ПП-3666, в постановлениях Кабинета Министров «О мерах по обеспечению законности нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств» от 9 октября 1997 года №469, «О совершенствовании порядка принятия нормативных актов министерств, государственных комитетов и ведомств» от 19 мая 2000 года №197, «Об утверждении плана мероприятий по разработке новых нормативно-правовых и иных актов, взамен прекращающих свое действие ведомственных общеобязательных актов» от 16 июля 2018 года №538, и реализации иных задач, закрепленных в иных нормативно-правовых актах по данной теме.

Соответствие исследования основным приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики. Настоящее научное исследование выполнено в рамках приоритетного направления I. «Морально-этическое и культурное развитие демократического правового общества, совершенствование инновационной экономики».

Степень изученности проблемы. Вопросы повышения эффективности деятельности правовой экспертизы и государственной регистрации ведомственных нормативно-правовых актов практически не изучались со стороны национальных исследователей. Некоторые аспекты данной темы были освещены в работах М. Ахмедшаевой, Б. Абдуллаева, Ш. Бердиярова, З. Исломова, Е. Каньязова, Г. Мирзаевой, О. Мухамедова, Х. Одилкориева, А. Саидова, Б. Таджиханова, Ш. Файзиева, Э. Халилова, М. Хусановой.

Также указанные вопросы исследовались со стороны следующих зарубежных ученых – Ю.Г. Арзамасов, Ю.П. Боровикова, А.А. Брыжинский, С.Н. Жевакин, Р.Н. Иванов, А.А. Лукьянов, О.В. Кваша, А.Н. Миронов, О.Н. Ордина, Е.М. Савельева, Н.С. Шмакова².

Научные исследования, направленные на повышение эффективности деятельности правовой экспертизы и государственной регистрации приказов и постановлений министерств, государственных комитетов и ведомств проводятся в таких передовых научных центрах и заведениях высшего образования, как Ludwig-Maximilians-Universität München (Германия), Indiana, Texas, Harvard (США), Oxford (Англия), Cambridge (Англия), Полицейская академия Республики Азербайджан и в Юридическом институте Санкт-Петербурга (Российская Федерация).

В частности, были проведены исследования со стороны Х. Пундера в Кембриджском университете (Англия) на тему «Демократическая

² Эти и другие источники, использованные в диссертации приведены в списке использованной литературы.

легитимность законодательства по предоставленным полномочиям: сравнительный анализ законодательств Америки, Британии и Германии», в Полицейской академии Республики Азербайджан на тему «Правовые основы нормотворческой деятельности центральных органов исполнительной власти».

Связь темы диссертационного исследования с научно-исследовательскими планами работ высшего учебного заведения, в котором выполняется диссертация. Исследование выполнено в рамках фундаментального проекта (2017-2021 гг.) по теме «Основные направления дальнейшей либерализации государственного управления в условиях углубления демократических реформ», включенного в план научных исследований Ташкентского государственного юридического университета.

Цель исследования заключается в разработке предложений и рекомендаций по повышению эффективности правовой экспертизы и государственной регистрации ведомственных нормативно-правовых актов, совершенствованию нормативно-правовых актов в этой области, улучшению правоприменительной практики.

Задачи исследования:

